

ДРАМАТИК МАТНДА РЕМАРКА ВА ПАРЕМИОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Низомова Л.Р.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20845733>

Аннотация. Мазкур тезисда драматик матн таркибидаги муаллиф ремаркалари ва паремиологик бирликларнинг лингвистик ҳамда прагматик хусусиятлари таҳлил қилинади. Драматик матнда ремаркалар сахнавий воқеликни тасвирлаш, персонаж ҳаракати, руҳий ҳолати ва нутқ оҳангини аниқлаштиришга хизмат қилса, паремиологик бирликлар диалогнинг таъсирчанлиги, баҳоловчи мазмуни ва коммуникатив самарадорлигини кучайтиради. Тезисда ремаркаларнинг ички ва ташқи кўринишлари, сўз-шакл, объект ва ҳол позициясидаги ифодаланиш хусусиятлари, шунингдек, мақол ва халқона ифодаларнинг драматик диалоглардаги прагматик вазифалари ёритилади.

Калит сўзлар: драматик матн, ремарка, ташқи ремарка, ички ремарка, сўз-шакл ремарка, паремиологик бирлик, драматик диалог, прагматика, коммуникатив таъсир.

Драматик матн бадий адабиётнинг ўзига хос турларидан бири бўлиб, унда воқеалар асосан персонажлар нутқи, диалог ва сахнавий ҳаракат орқали ифодаланади. Шу жиҳатдан драматик асарда нафақат қаҳрамонлар репликаси, балки муаллиф томонидан берилган изоҳлар — ремаркалар ҳам муҳим вазифа бажаради. Ремаркалар орқали сахна муҳити, персонажларнинг ҳаракати, психологик ҳолати, нутқ оҳанги, вақт ва макон муносабатлари аниқлаштирилади. Бундай бирликлар драматик матннинг композицион яхлитлигини таъминлаш, ўқувчи ёки томошабинни муайян сахнавий вазиятга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ремарка драматик жанрга хос бўлган изоҳловчи нутқ шаклидир. У асардаги воқеалар кетма-кетлиги, персонажларнинг ҳаракати, ҳолати, ҳис-туйғулари ёки сахна тасвири ҳақида қўшимча маълумот беради. Ремаркаларни жойлашуви ва вазифасига кўра ички ва ташқи турларга ажратиш мумкин. Ички ремаркалар одатда қаҳрамон репликаси таркибида, қавс ичида берилади ва персонаж нутқининг қандай оҳангда, қандай руҳий ҳолатда ёки қандай ҳаракат билан айтилиши кераклигини кўрсатади. Масалан, “жаҳл билан”, “шошиб”, “хайрон бўлиб”, “секин” каби ремаркалар персонаж нутқининг эмоционал ва интонацион хусусиятини очиб беради.

Ташқи ремаркалар эса қаҳрамонлар нутқидан ташқарида жойлашади. Улар сахна манзараси, воқеа кечадиган макон, вақт, персонажлар жойлашуви, уларнинг сахнага кириши ёки чиқиши каби ҳолатларни тасвирлайди. Бундай ремаркалар драматик матнда сахнавий воқеликни моделлаштирувчи муҳим восита ҳисобланади. Масалан, “ҳовли”, “орадан икки кун ўтган”, “парда тушади” каби ифодалар драматик ҳаракатнинг бошланиши, ривожланиши ёки якунланишини белгилайди. Шу асосда ташқи ремаркаларни экспозитив, интерпозитив ва постпозитив турларга ажратиш мумкин. Экспозитив ремаркалар асар ёки сахна бошида берилиб, воқеа кечадиган жой ва бошланғич вазиятни белгилайди. Интерпозитив ремаркалар сахналар ёки эпизодлар орасида келиб, воқеалар ривожидagi ўтиш нуқтасини кўрсатади. Постпозитив ремаркалар эса сахна ёки асар охирида келиб, драматик ҳаракатнинг тугалланганини англатади.

Драматик матнда ремаркаларнинг сўз-шакл кўриниши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ремаркалар ихчамлиги билан ажралиб туради ва кўпинча қавс ичида

берилади. Улар реплика мазмунига бевосита боғланиб, персонажнинг ҳолати, ҳаракати ёки нутқ оҳангини аниқлаштиради. Сўз-шакл ремаркалар синтактик вазифасига кўра объект позициясидаги ва ҳол позициясидаги ремаркаларга ажратилади. Объект позициясидаги ремаркалар нутқнинг кимга қаратилганини ёки ҳаракат йўналишини кўрсатади. Масалан, “Аломатга”, “Олимжонга қараб” каби бирликлар персонажлар ўртасидаги коммуникатив алоқани аниқлайди. Ҳол позициясидаги ремаркалар эса ҳаракат тарзи, вақт, жой, сабаб ёки мақсадни ифодалайди. “Бирдан”, “ташқаридан”, “жаҳл билан”, “уялганидан”, “ишонтириш мақсадида” каби бирликлар персонаж руҳияти ва саҳнавий ҳаракат динамикасини кучайтиради.

Драматик матннинг яна бир муҳим лингвопрагматик воситаси паремиологик бирликлардир. Паремиологик бирликлар деганда мақол, матал, халқона ибора ва ҳикматли ифодалар тушунилади. Улар драматик диалог таркибида персонаж нутқига халқона руҳ, умумлаштирувчи мазмун ва прагматик таъсирчанлик бағишлайди. Драматик диалогларда бундай бирликлар кўпинча суҳбатдошни ишонтириш, унинг фикрига таъсир ўтказиш, баҳолаш ёки муайян хулосага йўналтириш мақсадида қўлланади.

Паремиологик бирликлар прескриптив, муроса-битим ва манипулятив диалогларда турлича вазифа бажаради. Прескриптив диалогларда улар буйруқ, маслаҳат, огоҳлантириш ёки кўрсатма мазмунини кучайтиради. Масалан, “ўзи мушдек, гапи тошдек” каби халқона ифода орқали персонажнинг нутқи нафақат баҳоловчи, балки психологик босим ўтказувчи характер касб этади. Муроса-битим мазмундаги диалогларда эса паремиялар томонлар ўртасидаги зиддиятни юмшатиш, келишувга эришиш ва суҳбатни ижобий руҳда давом эттиришга хизмат қилади. “Карвоннинг кетига қарама, берганнинг бетига қарама” каби ифодалар суҳбатдошни таклифни қабул қилишга ундайди ва нутқнинг *persuaziv* — ишонтирувчи кучини оширади.

Манипулятив диалогларда паремиологик бирликлар янада фаол прагматик вазифа бажаради. Бундай ҳолатда персонаж суҳбатдошининг фикри, қарори ёки хатти-ҳаракатини ўзгартиришга интилади. “Эл оғзига элак тутиб бўлмайди”, “ёлғизлик ёмон, буни бошига тушган билади” каби ифодалар орқали нутқ шахсий фикр даражасидан ижтимоий тажриба даражасига кўтарилади. Натижада суҳбатдошга бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, драматик матнда ремаркалар ва паремиологик бирликлар муҳим лингвопрагматик воситалар сифатида намоён бўлади. Ремаркалар саҳнавий воқеликни моделлаштириш, персонажлар ҳаракати ва руҳий ҳолатини аниқлаштириш, драматик композициянинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади. Паремиологик бирликлар эса персонаж нутқининг таъсирчанлигини оширади, диалогга баҳоловчи, экспрессив ва умумлаштирувчи мазмун киритади. Демак, ремарка ва паремиялар драматик матннинг нафақат шаклий-композицион, балки семантик ва прагматик тузилишида ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Abdugafur, M. A. M. A. T. O. V. (2024). ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ ВА ТАДҚИҚИ. *Philological research: language, literature, education*, 7(7-8).
2. Ikromova G. Structural-semantic classification of word-form remarks // “Boshlang'ich

- ta'limning dolzarb masalalari: muammo, yechimlar va rivojlantirish istiqbollari" xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. – Farg'ona: FarDU, 2026. – B. 115–118.
3. Ikromova G. Dramatik matn kompozitsiyasida tashqi remarkalarning o'rni va lingvistik xususiyatlari // "Boshlang'ich ta'limning dolzarb masalalari: muammo, yechimlar va rivojlantirish istiqbollari" xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. – Farg'ona: FarDU, 2026. – B. 119–122.
 4. Ikromova G. Dramatik dialog tizimida paremiologik birliklarning lingvistik va pragmatik xususiyatlari // "O'zbek folklorini o'rganishning yangicha tamoyillari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – 2026. – B. 199–204.
 5. Baxriddinov O.J. Mustaqillik yillarida Navoiy shahrida yoshlar tadbirkorligining rivojlanish dinamikasi // Qo'qon davlat pedagogika instituti ilmiy xabarlar. – 2026. – № 3. – B. 1366–1366.
 6. Oblomurodov N. Yoshlar kamoloti va taraqqiyoti uchun mustahkam poydevor // Qo'qon DPI. Ilmiy xabarlar. – 2026. – № 3, A seriya. – B. 1420–1426
 7. Ulug'bek nomidagi O'zbekiston, M., & Universiteti, M. FANDA YARATILGAN INNOVATSIYALAR, TAJRIBA VA YUTUQ." *ZAMONAVIY FILOLOGIK PARADIGMALAR: AN'ANALAR VA INNOVATSION YONDASHUVLARNING O 'ZARO TA'SIRI" XALQARO ILMIY-TADQIQOT KONFERENSIYASINING ILMIY MAQOLA VA TEZISLARI TO 'PLAMI. T.: UZMU-2024. 2024-yil 25 aprel, 124.*
 8. Xalilova S.M. Ziyorat turizmining infratuzilmalari va jahon bozoridagi ko'rsatgich darajalar // Qo'qon DPI. Ilmiy xabarlar. – 2026. – № 2, C seriya. – B. 1493–1498
 9. Imomova, I. (2025, November). DRAMATIK MATNLARDA QO 'LLANILGAN BARQAROR BIRIKMALAR VA MAQOLLARNING INTERTEKSTUAL OHANG VA MAZMUNINI BOYITISHDAGI ROLI. In *Conferences* (Vol. 1, No. 01).
 10. Baxtiyorovna, J. G. (2026). BERNARD SHOU DRAMALARIDA MORFOLOGIK VARIANTLILIK VA UNING IJTIMOYIY XARAKTER YARATISHDAGI RO 'LI. *Qo 'qon DPI. Ilmiy xabarlar jurnali*, 8(3), 303–307.
 11. Ismoilova, Z., Axmedova, N., & Usmonova, M. (2025). Badiiy matnda "sukut" nutq aktining turli funksiyalari. *The Lingua Spectrum*, 11(1), 50–55.